

# МАДАНИЯТ

№1 (136) 7.01.2021 йил

Хотира азиз

## Эътибор ва эъзоз



Агар жонқуяр, асл эл фарзандлар бўлмаганида халқнинг олтин тарихи-ю, қимматли мерослари асрлардан ошиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмаган бўларди. Маънавияту маданиятни ўлдириш, оёқ ости қилиш мақсадидаги радикал хатти-ҳаракатларга жонини тикиб, тарихини асраб қолишга бел боғлаганлар, ўзлигини унутмаган холда фарзандлик бурчим, деб ҳаётини бахшида қиладиганлар бўлмаганида, келажак авлод аллақачон манкуртга айланиб, маданият заволга юз тугарди. Шукрки, фидойилар, жонқуярлар кам эмас. Улар ҳар даврда бор ва ўз ўрнига муносиблар келгунигача мардона туриб, эл хизматида бўлишади. Албатта, Она Ватан фидокор фарзандларини унутмайди, уларнинг ордидан келаётган авлод ана шундай аждоқлари билан фахрланади, ҳар даврда эслаб, руҳини шод этишни фарз деб билади...

Шундай инсонлардан бири бастакор, хонанда ва созанда (най, дутор), Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Юнус Ражабийдир. Бугунги кунда у кишининг миллий мусиқа санъатимизга қўшган бениҳоя юксак ҳиссаси муносиб эъзозланмоқда. Хусусан, 2020 йилдан фаолиятини бошлаган янги – Ўзбек миллий мусиқа санъати институтига ҳам Юнус Ражабий номи берилиши буюк санъаткорнинг унумли ва мазмунли илмий-ижодий ҳамда ўзига хос ижрочилик фаолиятига

айни муносиб баҳо бўлди.

5 январь кuni бетакрор санъаткоримиз таваллудининг 124 йиллиги муносабати билан Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти жамоаси таълим даргоҳи ректори, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири О.Назарбеков бошчилигида Юнус Ражабий уй-музейига ташриф буюриб, Ражабийлар сулоласи вакиллари билан учрашди. Улуғ соз устасининг ижодий иши, қилган меҳнатлари, миллий мумтоз мусиқамизга қўшган беқиёс ҳиссаси яна бир қарра ёдга олинди. Устоз номи хотирланди ҳамда эъзозланди. Аждодининг беминнат хизматлари учун Ражабийлар сулоласига Ўзбек халқи номидан миннатдорлик билдирилди.

Бу инсондан нафақат аждоқларимиз, сизу биз, балки эртанги авлодлар ҳам фахрланасиз арзийди. Айнан улар шарофати билан миллий қадриятларимиз, менталитетимиз, одатларимизни неча асрлардан бери сугориб келаётган мумтоз наволаримиз, ашулаларимиз куриб қолмади. Аксинча, устоз саъй-ҳаракатлари билан улар янада сайқал топди, гўзаллашди. Соф ҳолида ёзиб олинди.

Биз таърифлаётган бу жараёнлар аслида кўп вақтни талаб қиларди. Энг ёмони, ғайриэтиқод, “замонавийча” қарашлар босимдан уларни дадил ҳимоя қилишнинг ўзи кишидан катта юрак, эртанги кунга бўлган кучли ишончини талаб қиларди. Бугун Юнус Ражабий кўз олдимизда ана шундай инсон бўлиб гавдаланади.

Ушбу сонда

## Қонун маъқулланди

2-саҳифада >>

## Бу биз учун ёпиқ мавзуми?

4-саҳифада >>

## Узоқ ўтмиш ҳақиқатлари

6-саҳифада >>

## Мавлоно Ориф Деггароний



7-саҳифада >>

## Уясини тополмаган асаларилар



8-саҳифада >>

Халқаро ҳамкорлик



## Ўзига хос маданият фестивали

ШХТга эъзо давлатларнинг санъати билан танишиш ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган халқаро маданият фестивали 2020 йилда Россияда ўтказилиши керак эди. Пандемия туфайли тадбир формати ўзгартирилди – лойиҳа иштирокчи давлатлар маданиятини намойиш этувчи ва давлатлар ўртасида чегараларни йўқ қиладиган фильм кўринишида тақдим қилинади.

Телевизион ва интернет трансляция

шарофати билан томошабинлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатиغا киритилган халқ чолғулари садоларини тинглашга муваффақ бўлишади, шунингдек, турли мамлакатларнинг мусиқий ва хореография санъати чўққилари, қадимги цивилизация анъаналари ҳақида маълумот олиб, жаҳон классикаларида акс этган фольклорлар билан танишишади.

2001 йилда ташкил этилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Рос-

сия, Ҳиндистон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни бириктирувчи тармоққа айланди. Унга эъзо давлатлар ранг-баранг халқ ижоди намуналарини сақлашга ҳамда замонавий санъат йўналишларини ривожлантиришга асосланади.

ШХТга эъзо давлатлар ушбу лойиҳа учун етакчи академик жамоалар чиқишларини ёзиб олишди. Барча қайдлар битта катта фильм кўринишидаги концертга бириш-

тирилган. Улар ушбу мамлакатлар бастакорларининг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссасини намойиш этишади.

Россиядан П.И.Чайковский номли катта симфоник оркестри қатнашади. У руслар кайфиятини яққол ифодалаб берадиган Игорь Стравинскийнинг «Петрушка» балетидан мусиқа ижро этади. Жамоалар чиқиши олдидан маданият вазирининг табриклари тингланади.

Давоми 2-саҳифада >>

Донолар сўзлайди...

>>

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай. Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Амир Темур

Ҳаёт оғир меҳнат ва ташвишларсиз сизга ҳеч нарса ҳада этмайди.

Гораций

Ношукрлик кучсизликнинг кўринишидир. Буюк одамлар ҳеч қачон ношукр бўлмайди.

Гёте

Фахр  
**Кун қахрамонлари**

Бугунги синовли кунларда фидокорлик кўрсатаётган шифокорлар ҳақиқий жасорат тимсолидир. Улар коронавирус билан оғриган беморларни соғлом ҳаётга қайтаришмоқда. Тик оёқда туриб, 30 қават ниқоб, 10 қават қўлқоп ва махсус комбинзонларда беморларни даволашмоқда. Республикада жасорат кўрсатган бир қатор шифокорлар Президентимиз томонидан муносиб тақдирландилар. Чет элликлар юртимиз шифокорларига ҳавас билан қарашади. Чунки

улари Ибн Сино авлодлари билан ишлашни ва малака оширишни исташди.  
Яна бир қахрамонларимиз ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари. Улар борлиги учун юртимизда коронавирус авж олиб кетмапти. Тинчлигимиз, хотиржамлигимизни таъминлаш йўлида туну кун ишлашяпти. Ҳаммани карантин қондаларига амал қилишга чақиряпти.  
Кейинги қахрамонимиз – Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Давлат раҳбари қисқа

муддатда шифохоналар ва карантин марказларини қурдирдилар. Шу билан бирга келажак авлодларни ўйлаб, тезкор онлайн таълимни йўлга қўйдилар. Натижада юртимиз ўқувчилари танаффуссиз билим олишни давом эттиришди.  
Бугунги кун қахрамонлари биз сиз билан фахрланамиз!  
**Мирфайзбек АБДУЛЛАЕВ,**  
Қарши шаҳридаги 4-мактабнинг 6-синф ўқувчиси



Давоми. Боши 1-саҳифада



**Ўзига хос маданият фестивали**

«Мен бу йил мамлакатимиз мезбонлик қилаётган ШХТга аъзо давлатлар маданияти фестивалининг ажойиб онлайн халқаро тадбири томошабинлари олқишига муяссар бўлдим. Санъат – инсониятнинг асосий қадриятларидан бири бўлган цивилизация асосларини сақлашга ёрдам беради. Шу боис биз барча мамлакатлар томошабинларига халқларимизнинг буюк меросини тақдим этиш учун онлайн шаклдаги фестивалнинг янги саҳифасини очишга журъат этдик», – дейди Россия Федерацияси Маданият вазир Ольга Любимова ўз видеурожаатида.

«Рус классикаларининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Чайковский, Рахманинов, Шостакович, Прокофьев, Мусоргский асарлари асрлар оша яшаб келмоқда ва улар жаҳон музика санъатининг абадий мулки бўлиб қолади. Бугун биз томошабинларга Игорь Стравинскийнинг бетакор «Петрушка» асарини ҳавола этаймиз. Балет Париждаги «Россия фаслари»нинг ёрқин саҳифасига айланди, Европада ҳам руслар учун мода яратди ва ўзига хос ранглар жилоси билан рус маданияти рамзларидан бири деган унвонга сазовор бўлди», – дея қўшимча қилди рус департаменти раҳбари.

Ўзбекистон эса бастакор Алексей Козловский томонидан ўзбек халқ кўшиги асосида ёзилган «Тановар» поэмасини тақдим этади. Уни «Навбахор» ашула ва рақс ансамбли солистлари ҳамроҳлигида Ўзбекистон давлат филармониясининг Миллий симфоник оркестри ижро қилади.

Қозғистон «Остона опера» давлат опера ва балет театри симфоник оркестри эса халқнинг афсона ва эртақларидан ҳикоя қилувчи анъанавий чолғу асари – «симфоник куй» жанри ҳақида сўзлайди.

Шарқ ва Европа оркестр чолғуларини бирилаштирган Шарқона мозаика ёки «Навоий шарқи» Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия девони давлат симфоник оркестри томонидан ижро этилади.

Қирғизистон санъатини бир вақтда бешта таниқли ансамбль ва солист – СССР ва Қирғизистон Республикаси халқ артисти Самара Тўхтамунова намойиш этади. Улар «Ибарат» ва «Меҳнат байрами» деб номланган қирғиз асарлари билан чиқиш қилишади.

Хитойлик таниқли бастакор Сюэл И Диннинг симфоник ижро этишга мослаштирилган «Хитой менинг юрагим» халқ кўшиги Хитой миллий симфоник оркестри томонидан ижро этилади.

Ҳиндистоннинг муслик мероси ва асл халқ чолғулари садоларини бастакор ва дирижёр Шри Бхажан Сопори бошчилигидаги ҳинд халқ музика ансамбли ҳамда бастакор ва дирижёр Абай Рустум Сопори раҳбарлигидаги Кашмири номидagi «Ҳафтранг» халқ музика ансамбли намойиш этади.

Янги тизим сари қадам

«Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сенаторлар томонидан маъқулланди

Мухтарам Юртбошимиз бошчилигида мамлакатда маданият ва санъат соҳасини жадал ривожлантиришнинг мутлақо янгича самарали тизими яратилди. Айтиш керакки, авваллари бу соҳада яқдид, унинг ҳамма йўналишларини қамраб олувчи қонун даражасида ҳужжат бўлмаган. Маданият соҳасидаги фаолиятлар 29 йил давомида қонуности ҳужжатлар билан тартибга солиб келинди.

**Қонун маъқулланди**

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий мамлакатларда, жумладан Россия Федерациясида, Туркманистон, Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, Молдавия, Арманистон ва Украина каби Республикаларда маданият соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган барча ҳуқуқий нормаларни ўз ичига қамраб олган «Маданият тўғрисида»ги ягона қонунлари қабул қилинган.

Европа мамлакатларида, жумладан, Германияда 2016 йилда «Маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, Италияда «Маданий қадриятлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган.

Шунинг учун ушбу соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида халқаро ва хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмагани турли эътирозларга сабаб бўлаётганди.

Маъқур Қонунда маданият соҳасида давлат сиёсатининг мақсади ва асосий устувор йўналишларини белгилаш, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини аниқлаш ва уларнинг ваколатларини, шунингдек, истеъдод эгалари ва маданият муассасаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, маданият ташкилотларини давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи



маданиятни ривожлантириш, маданият ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни рағбатлантириш, давлат маданият муассасалари ва ташкилотларига «Миллий» ёки «Академик» мақоми бериш, маданият соҳасида халқаро ҳамкорлик, театр, цирк фаолиятига доир ва бошқа бир қатор соҳага оид нормалар акс этган.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, маданият марказларига оид нормалар киритилган бўлиб, унга қўра соҳада халқ ижодиётини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, янги истеъдодларни кашф қилиш, оммавий байрамлар, томошалар ҳамда халқ сайилларини ташкил этиш масалаларида тизимли фаолият юритиш белгилаб қўйилган.

Ушбу қонун билан «маданият ходими», «ижодкор», «ижодий жамоа», «ижодий фаолият», «маданий тадбирлар», «маданий тадбир ташкилотчиси» каби тушунчаларига илк маротаба аниқ таъриф берилмоқда. Ўқс, амалиётда қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда қийинчиликлар, тушунмовчиликлар, ноаниқликларга дуч келинарди.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши, маданият соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самардорлигини ошириш, соҳани тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларидаги мавжуд қарама-қаршиликлар ва номувофиқликларни бартараф этиш ҳамда соҳадаги ҳуқуқий бўлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

**Озодбек НАЗАРБЕКОВ,**  
Маданият вазири

«Ёш олим – 2020»

**Халқаро танлов ғолиби**

Ўтган йили Қозғистоннинг Нурсултон шаҳрида МДХ давлатлари ўртасида «Ёш олим – 2020» халқаро танлови онлайн тарзда ўтказилган эди. Унда ҳамюртимиз, андижонлик талаба Ҳасанбой Қосимов 1-ўринни эгаллаб, 1-даражали диплом ҳамда олтин медаль соҳиб бўлди.

Ушбу лойиҳа МДХ давлатлари олий таълим муассасалари талабаларини қўллашувватлаш, илм-фан, техника ривожланишига ҳисса қўшаётган ёшларни аниқлаб, уларни муносиб рағбатлантиришга қаратилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси, Андижон давлат университетининг 1-босқич талабаси Ҳасанбой Қосимов танловда ўзининг «Урма ва зарбли асбоблар тарихи» мавзусидаги илмий мақола билан қатнашиб, ҳакамлар эътирофига сазовор бўлди.

«Ушбу мавзуда нафақат мақола, балки китоб ҳам қилганман тез кунда чоп этишга ҳаракат қиламан», – дейди Ҳасанбой Қосимов.



Маданий мерос

Расмий муносабат



Жорий йилнинг 3 январида интернет тармоқларида «Ухна масжид ва зиёратгоҳ қаровсиз қолмоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

2020 йилда Наманган вилоят маданий мерос бошқармаси томонидан тезкорлик билан вилоятдаги авария ҳолатидаги маданий мерос объектларининг реставрация

қилиш бўйича рўйхати шакллантирилди.

Шу жумладан, вилоят маданий мерос бошқармаси Чуст тумани ҳудудида жойлашган авария ҳолатидаги объектларни реставрация қилиш юзасидан тумани ҳокимиятига 2020 йил мурожаат қилган.

Маҳаллий бюджетдан маблағ

ажратилмаганлиги сабабли маданий мероснинг миллий рўйхатига киритилган «Булоқмозор масжиди» 1912 йилда қурилган бўлиб, Чуст туманида жойлашган. Ушбу архитектура ёдгорлиги 2021 йилда реставрация-тиклаш ишлари амалга ошириш лозим бўлган объектлар рўйхатига киритилиб, жорий йилда бажарилиши режалаштирилган.

Бой ва қадимий тил

# Мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақом

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган Ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан бири ҳисобланади.

1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб, курашиб келган давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги учун қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан шу тарихий ҳужжатга асосан тилимиз мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.



Бугун Ўзбек тили мамлакатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларида фол қўлланилиб, жаҳоннинг нуфузли минбарларида баралла янграмоқда. Ўзбекистон тарихида илк бор Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида Ўзбек тилида нутқ сўзлаши бунинг ёрқин исботи бўлди.


Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари 2019 йил 21 октябрда «Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзолади. Унга кўра, Олий Мажлис палаталари, бир қатор вазирлик ва уюшмалар, марказ ҳамда кенг жамоатчилик тақлифига асосан, юртимизда 21 октябрь санаси Ўзбек тили байрами кунини деб эълон қилинди. Фармонда тил

билан боғлиқ қатор масалалар билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаментини ташкил этиш, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиш, уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар тақдим этиш, қолаверса, Ўзбек тилини ўрганиш ва давлат тилида иш юритиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш масалалари ҳам назарда тутилган эди.

Фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 мартда «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди. Унга кўра, Термиз давлат университети ҳузурида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ташкил этилди ҳамда вилоятларда унинг ҳудудий бўлинмалари ўз фаолиятини йўлга қўйди. Қарорнинг 2-бандида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда республикада доимий истиқомат қилаётган бошқа тилларда сўзлашувчи аҳоли, шу жумладан, хорижий фуқаролар учун давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш назарда тутилган. Ташкил этилган марказнинг вазифалари этиб;

Ўзбек адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ўқув ва малака ошириш курсларини ташкил этиш;

Давлат хизматчиларининг Ўзбек адабий тили меъёрлари, лотин ёзувига асосланган Ўзбек алифбоси ва имлоси, давлат тилида иш юритиш асослари, расмий ҳужжатлар ва уларни ёзиш бўйича назарий ҳамда амалий билимлар, кўникма ва маҳоратларини узлуksиз ошириб бориш механизмларини жорий этиш;



Аҳолининг ёзма ва оғзаки саводхонлигини ошириш, Ўзбек адабий тили меъёрлари, Ўзбек тилининг тузилиши бўйича амалий билимлари, кўникма ва маҳоратларини тизимли асосда ошириб бориш вазифалари белгиланди.

Юқоридегилардан келиб чиқиб, Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси ҳам 2020 йил 2 сентябрдан анъанавий шаклда, карантин қоидаларига амал қилган ҳолда Термиз давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетида ўз иш фаолиятини бошлади. Олийгоҳ раҳбарияти томонидан бўлинманинг барча керакли ва замонавий моддий-техник жиҳозлари таъминлаб берилди. Малака ошириш курсида тингловчилар асосан 3 та модул тизимида: Лотин ёзувига асосланган Ўзбек алифбоси, Ўзбек адабий тили меъёрлари ҳамда давлат тилида иш юритиш асосларида ўқитилмоқда.

Бугунги кунда малака ошириш курсида давлат тилининг тизимли ходимлар билан ишлаш бўйича бўлим бошлиқлари, ташкилий назорат гуруҳи етакчи мутахассислари, ҳужжатлар ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлим мудири ҳамда ижро интизомига масъул ходимлар тингловчи сифатида ўқитилмоқда. Улар яқини назорат тестларини онлайн тарзда топшириб, малака оширганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлишди.

Жараёнга Термиз давлат университетининг малакали профессор-ўқитувчилари жалб этилиб, тингловчиларга дарслар янги педагогик технологиялар асосида, яъни фаннинг амалий ва назарий жиҳатлари ўргатилмоқда. Бўлинмада давлат ташкилотлари ходимларини ўқитишдан ташқари, кенг аҳоли қатламини Ўзбек адабий тилининг ёзма нутқ меъёр ва қоидаларига ўқитиш ҳамда Фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон фуқаролигини олишлари учун Ўзбек тилида ўқитишни йўлга қўйиш ҳам назарда тутилган.

**Шокир САТТОРОВ,**  
Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари

Рағбат

## Фидокорларни қутлаб

Аввал хабар берганимиздек, Маданият вазирининг 2020 йил 7 декабрдаги буюриғи асосида маданият ва санъат соҳаси ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ҳамюртларимизнинг бир гуруҳи «Маданият ва санъат фидокори» кўкрак нишони билан тақдирланишди.



Мазкур фахрли муфокотнинг ўз эгаларига топширилиши давом этмоқда. Хусусан, Маданият вазири ўринбосари Олимжон Мирзаев, Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси вазифини бажарувчилар соҳада кўп йиллик меҳнати билан эътиборга тушган Хусниддин Хасиловга «Маданият ва санъат фидокори» кўкрак нишонини топширишди.

Сопол идишлар хусусияти

## Ҳам қадрли, ҳам фойдали

Сополдан ишланган уй-рўзгор буюмлари жуда қадимий бўлиб, ўтмишимиз, ота-боболаримиз маданиятидан ҳикоя қилувчи табиий маҳсулотдир. Кўп вақт шифобахш хусусиятларга эга сопол идишларни ясашда илгари лой таркибига ҳеч қандай сунъий қўшилмалар аралаштирилмаган. Ҳатто, уларни безак беришда бўёқ ҳам қўлланилмаган. Одатда сопол идишлар куйган гил рангида бўлган. Базда эса буюм оч рангга кириши учун куйдиришдан олдин устидан суюқ оқ гил қуйилган. Қорамтир кулолчилик маҳсулотини ясаш учун буюм катта печда ҳаво кирмайдиган қилиб димланган.

Кулоллар кўз нури, меҳри ила яратган идишлар таомга ўзгача қувват бағишлайди, саломатлик учун жуда фойдали. Улар таом таркибидеги моддаларни парчаламайди. Шу боис бундай идишларда тайёрланган таомлар ўзидаги барча витаминларни сақлаб қолади.



Сопол идишларда ошловчи моддалар кўп бўлиб, улар микроблар кўпаймаслиги, маҳсулотлар тез айнимаслиги, таомнинг керакли витаминлар билан тўйинишини таъминлайди. Бундай идишда сақланган таомда тана учун кўпгина фойдали витаминлар сақланиб қолади. Шу билан бирга, сопол идишлар ўзидаги шифобахш қувватни таом орқали одамга етказиб беради.

Базан кишиларнинг кесак ейишига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат танада бирор витамин ёки минераллар етишмаслигидан далolat. Сопол идишларда овқатланиш ушбу муаммони бартафат этиб, вужудни керакли витаминлар билан тўйинтириш хусусиятига ҳам эга.

Аваллари сопол товоқларда овқат пиширишган, сув қайнатилган. Идиш шакли ҳам таом пиширишда катта аҳамиятга эга. Масалан, қорни кенг, оғзи тор сопол кўзаларда тайёрланган овқатлар ҳил-ҳил пишиб, металл идишлардан фарқли ўларок, барча фойдали витаминларни ўзида сақлаб қолади. Кенг сопол кўзаларни олов ҳамма томонидан тенг қамраб олган ва иссиқлик беҳуда сарф бўлмаган, идиш оғзи эса махсус қоппоқ билан берkitилган. Ҳозир ҳам сопол кўзаларда мазали ва фойдали шўрвалар тайёрланади. Аммо улар мўрт ва тез синувчанлиги сабаб мустаҳкам чўян қозонларга эҳтиёж ортиб борди. Шакли аввалгидек бўлсада, улар узоқ вақт хизмат қилишга мўлжалланган эди. Маҳсулот чўян таъсирида ишқорланмаслиги учун ичи оқ эмал қатлам билан қопланган. Бора-бора оғир чўян қозон-товоқлардан ҳам воз кечилиб, алюмин ва бошқа енгил металллардан ишланган замонавий идиш-товоқлар пайдо бўлди. Тўғри, сирли товоқларнинг ҳам соғлиқ учун зарари йўқ, лекин ҳозир ҳам сопол қозон ва ёғоч идишларни топса бўлади. Масалан, бугун ёғоч чўмиуч нон соладиган саватлар, ёғоч қошиқ ва човлиларни қўлайдиган оилалар талайгина. Сопол кўзаларда овқат пиширадиган замонавий уй бекалари ҳам йўқ эмас. Зеро, асрлар синовидан ўтган бу анъана ўлмас қадриятларимиз ва маданиятимизнинг бир қисmidир.

Шарифа УМАРОВА,

Фаргона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

Пойтахтимизда...

**Очиқ ҳаводаги муз майдони очилади**



Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри олдида 7 январь куни очиқ муз майдони ишга туширилади. Бу ҳақда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълум қилган.

Ушбу муз майдонининг очилиши доирасида Россия муз спорти юлдузи, фигурали учмиш бўйича Олимпия чемпиони Алексей Ижараси ўз «Қиш» дастури билан иштирок этиши кутилмоқда. Шу билан

бирга, очиқ осмон остидаги муз майдони очилишида Ўзбек эстрадаси юлдузларининг концерти ташкил этилади.

Бундан ташқари, ташкилотчилар томонидан фудкорт зона хизмати йўлга қўйилиб, унда пойтахтимизнинг тез овқатланиш, қандолатчилик ва ҳақва брендлари фаолият юритади. Майдон олдида чанги ва бошқа учмиш аксессуарлари ижараси пункти хизмати йўлга қўйилади.

Шаҳар марказидаги муз майдони бироқ муқаддас бўлиб, негизда гигиеник ҳамда физиологик қоидаларга риоя этиш, тўғри кийиниш, овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш, сайр, спорт билан шугулланиш, нутқ техникаси, ўғил ва

Концерт зонасида Dance Music Fest Winter, Isos Fest, Tashkent Rap Festival мусиқий фестиваллари, шунингдек, хоккей бўйича ўсмирлар чемпионати, муз устида рақс شوиси каби тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

**Жинсий тарбия**

Олий Мажлис Сенати ҳамда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева матбуот анжуманида «тарбия дарслари» доирасида барча таълим муассасаларида жинсий тарбия дарслари ўтирилиши зарурлигини таъкидлаганди.

«Би қизлар гинекологга мурожаат қилмаслиги керак, деган стереотиплар мавжуд. Биз учун жинсий тарбия мавзуси ёпиқ ҳисобланади. Ҳатто кўп ота-оналар фарзандлари билан ушбу мавзуда суҳбатлашмайди. Бу хато. Аслида жинсий тарбияни болаликдан бошлаш керак. Сўзма-сўз айтиб бермасак ҳам, буларнинг барчасини болаларга тушунириб беришимиз лозим. Ўқув дастурларини тўлиқ тарбия бериш билан чекланмай, вазиятнинг бошқа нозик томонларига ҳам эътибор қаратиш зарур, – дейди Сенат раиси.

Ҳўш, бу борада мутахассисларимиз қандай фикрда?..

# Бу биз учун ёпиқ мавзуми?

**НОЗИК САВОЛЛАРГА ЖУЪЛИ ЖАВОБЛАР КЕРАК**

Мунаввара ҲУБЕБЕКОВА, филология фанлари доктори:

Ушбу кунги матбуот анжуманида болалар боғчасидан тортиб, то олий ўқув юртигача жинсий тарбиядан таълим бериш зарурлиги ҳақида фикр билдирилди. Бу ота-оналар, устозлар учун энг нозик, оғриқли масала эканлиги боис қизгин муҳокама ва баҳсларга сабаб бўлиши табиий.

Фарзанди тарбиясига жиддий қараган ота-она бу ҳақда бош қотириши, йўл-йўриқ излаши шубҳасиз. Ахир, ҳар бир инсон туғилганидан бошлаб вояга етунига қадар жинс билан боғлиқ муҳим билимларга эга бўлиши, айнан шу томонлама муаммо ва таҳдидларга дуч келиши мумкинлигидан бохабар туриши лозим. Бу ўзини англашнинг ва шахс сифатида шаклланишнинг зарур бандидир.

Олимлар фикрича, болага 2-3 яшарлигидан қадам-қадам жинсга оид парвариш ва тарбияни бошлаш даркор. Ота-оналар бу турдаги тарбия мазмуни ва мундарижаси, меъри ва мuddати қандай бўлиши кераклигини билиш учун назарий ҳамда амалий билимлар, кўрсатмаларга муҳтожлик сезишлари аниқ.

Демак, мутахассисларнинг жинсий тарбияга доир узлуksиз таълим доирасидаги махсус тадқиқот ва ишланмаларига эҳтиёж мавжуд. Зеро, бу борада йўл қўйилган хатолар салбий оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.

Бугун ижтимоий тармоқлар орқали фойдали маълумотлар билан бирга ахлоқ ва одобга зид ахборотлар ҳам кириб келмоқда. Ёшларимизнинг бундай таҳдидларга қарши мустақкам билим ҳамда эътиқод ҳимоясига эга бўлишлари учун етарли даражада ахлоқий ва жинсий тарбия олишлари жуда муҳим.

**Йўлдан оздирадими Ёки?..**

Барно СУЛТОНОВА, журналист:

Бугун барча таълим муассасаларида жинсий тарбия дарслари ўтирилиши борасидаги ташаббус кўпчилигининг баҳс-мунозаларига сабаб бўлмоқда. Ҳўш, айтинг-чи, бу ерда ёшларни йўлдан оздирадиган қандай нотўғри фикр бор? Тўйдан олдин қизларнинг гинекологга бориши бошқаларда шубҳа-ғумон уйғотаётгани, натижада оналар фарзандини кўришга олиб бормай, касалликларни ўтказиш юбораётгани, оқибатда муаммоларга дуч келаётгани ёлғонми? Ёки қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг тўхтамаётгани ва айнан шулар туфайли носоғлом болаларнинг дунёга келиши-чи? Шунда ҳам жим қараб тураверишимиз керакми?..

Яқинда бир қариндошимиз фарзанди бир ёшга тўлмай яна ҳомиладор бўлгани, боласини дунёга келтираётганда кўп қон йўқотгани учун ўзи ва чақалоғи ҳаётини хавф остига қўйди. Унга шу пайтгача ҳеч қим фарзандлар орасини келмади уч йил қилиб туғиш кераклигини, сақланиш нималигини ўргатмаган. Онасини шунчаки «сақлан», деб айтиши мумкин. Лекин тиббий нуқтан назардан «Сақланиш нима, организмга қандай фойдаси бор, қанча



муддатда тана ўзини тиклаб олади?», деган тушунчалар ҳам берилса, назаримда, тўғри ёндашув бўларди...

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда 21 ёшли турмуш қурмаган қизнинг фарзандини сотаётган пайтда қўлга тушгани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Энди бир ўйлаб кўрайлик, нега бу қиз турмушга чиқмасдан бола дунёга келтирди?! Агар мактаб даврида жинсий ҳаёт нималиги, унга тўғри ёндашув тушунирилганида, эҳтимол, у ҳозир мана шу вазиятга тушмасиди?..

Ижтимоий тармоқларда аёллар учун бир нечта ёпиқ гуруҳлар бор. Уларда ёш келин ва қизларимиздан гинекологияга оид жуда кўп аномим саволлар йўланади. Кейин ҳамма ўз тажрибасидан келиб чиқиб жавоб ёзади. Афсуски, савол берувчилар орасида жинсий тарбия нималигини билмайдиган, шу боис оиласи бузилиш арафасида турганлари ҳам бор. Шундай экан, кўпчиликида жинсий ҳаётга тайёргарлик йўқлигини тан оладиган вақт етмадимикан?..

Агар «жинсий тарбия» вақтида ва ўрилли берилса, турли дардларнинг, жумладан, танаосил касалликларининг олди олинади, қизлардаги гинекологик хасталикларга эрта муддатларда барҳам берилади, хавфсиз ва исталмаган ҳомиладорликка йўл қўйилмайди, турли ўсма ва ўсма олди дардлари бошлангич босқичида аниқланади, ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги, яъни балоғат оstonасида турган ёшларнинг мураккаб ва физиологик ўзгаришчанлигига эътибор қаратилади, деб ўйлайман.

**У ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ШАКЛИ**

Ойниса МУСУРМАНОВА, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридagi «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Педагогика фанлари доктори, профессор:



Жинсий тарбия – тарбиянинг муҳим шаклларида бири бўлиб, шахс камолотида катта аҳамиятга эга. У тарбиянинг бугун пайдо бўлган шакли эмас, балки қадимийдир. Азалданок ёш авлодга жинсий тарбиянинг мазкур таркиблари вазир, зарурат ва босқичли тамойиллар асосида сингдириб борилган. Ёшларни маънавий ва жисмоний соғлом ҳаётга тайёрлашда оила асосий таълим-тарбия маскани ҳисобланган.

Бу муқаддас гўшада жинслар таълими ва тарбиясида бобо-бувилар, ота-оналар асосий мураббий саналганлар. Улар тарбиянинг бу шаклига алоҳида урғу берилмаган ҳолда кундалик ҳаёт тақозоси билан панди-насихат, халқ қадриятлари мисолида тарбиялашган. Мақсад миллат, авлодлар, насл саломатлигини таъминлаш, ногирон фарзандлар туғилиши, оилавий ажримларнинг олдини олиш, миллат генафондини сақлашдан иборат бўлган. Олдий бир мисол, момоларимиз зах жойда ўтиришга қўймасди, «Урингдан тур, болам, мумкин эмас, касал бўласан», «Қишда югути юрмагин, эртага она бўласан», «Оғир юк кўтармагин», «Эрта туришга одатлан», «Танангни тоза сақлагин» каби жинсий тарбия мазмуни билан боғлиқ насихатларни беришарди.

Бундан ташқари, янги келинчақлар ва энди она бўлган аёлларни туғуруқдан кейин қирқ кун чилла сақлатиб, иссиқ кул устида ётқизишган, белларини боғлатиб, нимча кийишга мажбурлашган, ёш онани махсус тайёрланган, боланинг қорнини оғритмайдиган, сутни кўпайтирадиган таомлар билан боқшиган, шомда ва кечаси ташқарига чиқаришмаган. Шу тариха аёлларнинг барча тана аъзоларини соғлом сақлашга, келажақда фарзандларининг соғлом туғилишига замин яратилган.

Ёки ўғил болалар ичадиган, нос ёки тамаки чекадиган бўлса, «Уғлим, вақти келиб ота бўласан, ўзингдан соғлом насл қолдириш учун бу иллатга берилмагин, унинг зарари жуда катта» дея уқтиришган. Кўрдингизми, буларнинг ҳаммаси азал-азалдан қўлланиб келинаётган тарбия усулидир.

**ФАҚАТ БАЛОҒАТ ЁШИДАГИНА БЕРИЛМАЙДИ**

Бугун ўғил-қизларимизга жинсий тарбия беришни кучайтиришимиз ҳаётий заруратга айланди. Чунки тараққиёт туфайли табиий нарсалар устида нотабиийлари ҳукмронлик қилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллик туфайли дунёга чиқди, жаҳон аҳлининг Ўзбекистонга қизиқиши кундан-кунга ортиб бормоқда ва уларнинг тарбия борасидаги ижобий тажрибаси билан бир қаторда салбий жиҳатлари ҳам кириб келиши аниқ. Шу боис биз мутахассислар ёшларга тарбиянинг бошқа қирралари билан бир қаторда жинсий таълим ва тарбия сабоқларини бериш аини кунда ҳаётий заруратга айланди, дейишимиз мумкин.

Биласизми, жинсий тарбия фақат балоғат ёшидагина берилмайди. У бола қайси жинсда бўлишидан қатъи назар, туғилган чоғиданоқ шакллантириб бориладиган тарбиянинг муҳим шаклидир. Бу кенг

қамровли тушунча бўлиб, негизда гигиеник ҳамда физиологик қоидаларга риоя этиш, тўғри кийиниш, овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш, сайр, спорт билан шугулланиш, нутқ техникаси, ўғил ва



қизларнинг ўзаро муносабат ҳамда мулоқот маданиятига амал қилиш, уларни маънавий, жисмоний ҳамда тиббий томондан соғлом она-оталикка тайёрлаш каби масалалар ётади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугун кўп жойларда жинсий таълим атамаси ишлатилмоқда. Бироқ жинсий таълим ва тарбия десак тўғрироқ бўларди, назаримизда. Чунки жинсий таълимсиз тарбия, жинсий тарбиясиз таълим бўлиши мумкин эмас. Уни ёшлар онгига сингдириш эса оилада ва таълим тизимининг барча бўғинларида амалга оширилиши зарур.

**ДАРСЛАР МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БИЛАН ҲАМОҲАНГ БЎЛАДИ**

Жинсий тарбия дарсининг мақсади – жинсларни ижтимоийлаштириш, соғлом турмуш тарзи асосида уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, жинсларни ўз жинсига монанд физиологик, тиббий-маънавий, ижтимоий-руҳий билим, малака ҳамда кўникмалар билан қуроллантириш демакдир.

Ёшларга жинсий таълим ва тарбия беришда, аввало, миллий хусусиятлар, миллий-умуминсоний қадриятларни инобатга олган ҳолатда шакллантиришга эътибор бериш ҳамда замонавийликка асосланмоқ зарур. Чунки ҳар бир масалага замон талаби нуқтани назардан ёндашишни керак, бу жаҳият тараққиётининг талабларидан бири. Бундан ташқари, шахснинг ёш ва психологик хусусиятларига мос равишда бир нечта босқичга бўлган ҳолда (боғча ёшидаги бола, бошлангич синф ўқувчилари, ўсмир ва ўспиринлар, балоғат ёши ва талаба ёшлар) онг, тафаккурига сингдириш бориш лозим. Агар таълим-тарбия мазмуни боланинг ёшига ҳам шакллантирилса, албатта биз кутган натижани беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дарсларимизни миллий-маънавий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, дунёқарашимиздан узоқлашмаган ҳолда (Европа тажрибасини шундайликка олиб келиб дарс ўтмиш ёки уларнинг кўргазма қуролларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкин эмас!) олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Яъни жинсий таълим ва тарбия шарқона парда остида шакллантирилиши зарур.

КАХМЕДОВА тайёрлади

Тақдирлаш маросими

**Рақс санъати фидойиларига эҳтиром**



31 декабрь куни Маданият вазирлиги ҳамда “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси томонидан ўзбек миллий рақс санъати ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаятган бир гуруҳ устоз санъаткорлар, фахрийлар ва рақс санъати фидойиларига эҳтиром кўрсатиш, уларнинг узоқ йиллик меҳнатларини эътироф этиш ҳамда эъзозлаш мақсадида тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбирда Маданият вазири Озодбек Назарбеков соҳа вакилларига, гарчи пандемия ша-

роитида бўлса ҳам, йил давомида жонбозлик кўрсатиб, фидокорона меҳнат қилганликлари ҳамда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари учун миннатдорлик билдириб, ҳар бир санъаткор фаолиятини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, 2020 йил давомида рақс санъати йўналишида ижодий изланишлар олиб борган, давлат тадбирларида ҳам фаол иштирок этган бир гуруҳ ёш раққосаларга ҳам фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Тарих тилга кирганда...

# Мақом йўлларидаги ганжиналар

Мумтоз мусиқа санъатимиз – мақомнинг тарихий илдизлари жуда чуқур. Улар не-не санъат ихлосмандларининг заҳматли меҳнатлари туфайли томир отган.

Шундайлардан бири самарқандлик Ҳожи Абдулазиздир. Унинг отаси Абдурасул ёшлигида укаси Абулфайз билан Тожикистоннинг Каротегин деган жойидан Самарқандга келади ва шу ерлик кекса бир қосибга шогирд тушади. Унинг қизига уйланади.



Ёш Абдурасул қосибчиликдан орттирган пулига “Кўкмасжид” маҳалласидан ҳовли сотиб олади. Унинг тўнғич ўғли Ҳожи Абдулазиз 1852 йилда ана шу ерда туғилади.

Абдулазиз олти ёшлигидаёқ бошланғич мактабга боради. Ундан сўнг мадрасада ўқийди.

Бўлажақ ҳофизнинг мусиқага қизиқиши отасининг туғилиб ўсган ватани – Каротегинни кумсаб куйлаган қўшиқлари билан боғлиқ эди.

Абдулазиз отаси вафотидан сўнг Самарқанднинг “Ҳаймар” мавзесидаги солиқ тўлов маҳкамасида кириш-чиқимларни қозоғга кўчирувчи мирза бўлиб ишлайди.

У болалигиданоқ хонанда ва созандаларга эргашиб, улардан куй сирларини ўрганишга ҳаракат қиларди. Шундай кунларнинг бирида Норкул исмли самоворчи билан танишади. У Абдулазизни Самарқанднинг машҳур дуторчи ва танбурчиси Ҳожи Раҳимберди билан учраштиради. Абдулазиз шу кишига шогирд тушади. Куй чалиш ва куйлашни ўрганади. “Шашмақом”ни танбурга солишни аста-секин ўзлаштира боради.

Ниҳоят, устозидан фотиҳа олган Абдулазиз ўзи мустақил ижро қила бошлайди. Ёш ҳофиз бу меросни атоқли санъаткорлар йиғилладиган тўйу томошалар, меҳмонхона, гап-гаштак, хилма-хил сайиллар, чойхоналардаги ҳофизлар куйлашидан кутар, ўрганар эди.

Кунларнинг бирида бухоролик атоқли ҳофиз ва созандалар Самарқандда Рамазон ойида уюштирилладиган халқ сайилларига ўз санъатларини намойиш этиш учун келадилар. Ана шундай концертларнинг гувоҳи бўлган Абдулазиз ўзига нотаниш бўлган классик куйлар қирралари хали кўп эканини тушуниб олади. У пайтларда “Шашмақом”нинг савти ва уфоллари, «Мушқилод»нинг чолғу бўлимидаги кенг тарқалган қисмлари, йилгирмага ақин халқ қўшиқларини ижро этиб юрган Абдулазиз энди чинакамга санъаткор бўлишни кўнглига туғиб, «Шашмақом»ни мукаммал ўрганишига бел боғлайди.

Ҳофиз шундай эзгу ният билан 80-йилларда санъ-

аткорлар мақони бўлган Бухорога жўнади. У ердаги бир зиёфатда Бухоронинг машҳур кекса ҳофизи Ота Жалол билан танишади.

Ота Жалол Назаров Бухородаги барча санъаткорлар устози эди. Бу инсон 20 ёшидаёқ Бухоро мақомларини мукаммал ўрганишга муваффақ бўлган. Ижрочиликда ҳам шухрат қозонган бўлиб, донғи чиққач саройга қақирилган. У ерда 30 йилдан кўпроқ хизмат қилган эди.

Ота Жалол ўнлаб хонанда ва созандаларга мақом йўлларини ўргатган, уларни машҳур мақом ижрочилари қилиб етиштирган устоз. Уша даврда Шашмақомнинг олтига Сараҳбори, яъни ҳар бир мақомнинг бошланғич ашула қисмини Ота Жалолдан бошқа бирорта хонанда тўлиқ билмасди ва унинг иштирокисиз айтолмасди.

Ота Жалол зиёфатда «Сеғоҳ» мақоми сараҳборини бошлайди, ҳамроҳлари ва шогирдлари – Қори Нажим, Абдусмад Бегижон, Шодиҳон танбур ва доирада жўр бўлиб туршиди. Ота Жалол сараҳборни айтиб тугатгач таронанинг бошқасига ўтади. Қолган ҳофизлар ана шунда унга қўшилиб турадилар.

Ҳожи Абдулазиз Бухоро Шашмақомининг бир неча қисмини мукаммал билса-да, лекин ижрочиликдаги бундай текис усулни, нозик фразировкани, кутилмаган жойда «гуллартав» қилишни, яъни «зебопар», «чоргоҳ мухайяр», «авжи турк» сингари қўшимча авжлар киритилишини, ниҳоятда баланд пардаларнинг кучанмасдан силлиқ ва ёқимли айтилишини кўриб, хайратда қолади.

«Сеғоҳ» мақомидан сараҳбор ва тароналар айтиб бўлингач гижжакчи Туробқулга навбат келади. Устоздан сўнг меҳмонлар Ҳожи Абдулазиздан ашула айтишини илтимос қиладилар. У созлаган дуторини яна бир марта кўриб чиқади ва кичик бир машқ бошлайди. Кейин тўхтамасдан бирин-кетин иккита шўх ва енгил қўшиқни айтади:

*Дўстларим бир нозанин ишқу бу ҳол этмиш мени,  
Зулф савдоси олиф қадимни дол этмиш мени.*

*Лола гул рухсори ҳажр ашқимни ол этмиш мени,  
Элга аҳволим демакда ошқуфтаҳол этмиш мени,*

дея Навоий мухаммасини бошлайди. Дуторда янграётган ўйноқи, шўх куй ва ашула даврадагиларни жонлантиради. Ҳамма енгил нафас олади. Чунки Ҳожи Абдулазизга қадар чалинган куйлар ва айтилган ашулар «Шашмақом»нинг қатъий форма ва вазмин йўллари услубида ижро этиларди. Дутордан чиққан куй Ҳожи Абдулазизнинг овозига ниҳоятда мос эди. Ашулани тугатгач у олдидаги пиёлага қўйилган чойини бир-икки хўплаб, кейинги навбатта йўл беради. Шунда Ота Жалол – “Чарчаманг бўлсангиз, яна бироз айтсангиз”, – дейди. Ҳожи Абдулазиз дуторини олиб, тоғчи тилида «Ироқ», кейин «Бузрук» мақомидан ашула йўлларини айтади ва охирида «Ушшоқ»ни Бухорода эшитилмаган ҳамда ўзи томонидан бастанланган хилма-хил қочирим билан ўринлатиб куйлайди. Уни диққат билан тинглаб ўтирган устоз хонанда



ва созандалар тасаннолар айтишади.

– Ҳоят яхши, завқбахш санъаткорсиз, – дейди Ота Жалол. – Ибн Сино, Жомий, Навоий, Дарवेशли сингари устозларимиз қадимда мақомлар чанг, қонун, уд ва бошқа асбобларда чалиб айтиларди деганлар. Шашмақомни дутор чалиб айтишни меҳмон Ҳожи Абдулазиз бошлабдилар. Лекин бундай ишга улғур санъаткор жазм қила олади. Менинг фаҳимча, бундай улғур устоз Ҳожи Абдулазиз бўлиб чиқдилар.

Мазкур воқеадан сўнг Ҳожи Абдулазиз Ота Жалолга шогирд тушади ва ундан таълим олади. Улғур устоз ўз шогирдига мақом йўлларини тўла-тўқис ўргатибгина қолмай, «Шашмақом» тарихи, унинг авлоддан авлодга сайқал топиб, ривожланиб келаятгани ҳақида ҳам тушунча беради.

Ҳожи Абдулазиз Самарқандга қайтишига қадар олти ойгача Ота Жалолдан таълим олади. Шундан кейин Она шахри Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларда ўзининг янги репертуарларини халққа намойиш этиб юради. Бу даврда у чолғучилик ва ҳофизлик бўйича камолотга етган моҳир санъаткор эди.

“Шашмақом”нинг қотиб қолган нарса эмалитини билган ҳофиз ўша вақтларда “Ироқ”, “Чапандози Ироқ”, “Насруллои”, “Мустаҳзо” каби ашуларини янгича авж ва уфолар билан безаб, ижро этиб юрди. Ана шу тартиқ мақомлари безаб, ривожлантириш йўлидан борди. Унинг мақом куйларини танбурдан дуторга кўчириши борасидаги меҳнатлари ҳам устоз ҳофиз ижодий фаолиятининг эътиборга молик бўлган каттагина қисмини ташкил этади...

Дарҳақиқат, замондошимиз, Академик Юнус Ражабий ўз устози тўғрисида шундай деган:

«Ҳожи Абдулазизнинг ижодий фаолияти ўзбек халқ мусиқаси тарихида алоҳида ўрин тутди. Унинг ижодига баҳо бериш учун фақатгина «ҳофиз» деган сўзнинг ўзи кифоя қилмайди. У истеъдодли ҳофиз бўлиши билан бирга, нозик пардаларда қалбини титратувчи оҳанглар ижро этидиган созанда, халққа яқин дилрабо куйлар яратувчи бастакор ҳам эди.

Ҳожи Абдулазиз шахсан менга ва менинг тенгдошларимга мусиқа илмидан таълим берган устозларнинг энг зуққоси эди. Қисқаси, у мусиқа санъати учун туғилган одам».

Кекса созанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рисиқ Ражабий ҳам ўзининг устозидан таълим олган йилларини эслаб шундай хикоя қилади:

“Самарқандда ишлаб юрган пайтимизда биз буюш вақтимизнинг кўпини Ҳожи бобо уйда ўтказардик. Санъатга бўлган иштиқимизни кўрган ҳофиз бизларга маҳорат сирларини тинмай ўргатишга киришарди. Мен устозидан “Бузрук мақоми”, “Гуллар боғи”, “Гулзорим”, “Ажам”, “Бебоқча”, “Каримқулибеги” каби куйларини ўрганишман. Юқорида айтилган куйлардан ташқари, чалиб юрганларини ҳам у кишига ижро этириб, мукаммаллаштириб олган эдим.

“Мулла Рихси, агар зарбу таксимни жойига қўйсангиз, марра сизники”, – дерди устозим баъзан менга. Бу билан устоз усулдан заррача бўлса ҳам, четга чиқмаслик ва оҳангга путур етказмаслик лозимлигини таъкидларди”.

Замондошларининг хикоя қилишича, Ҳожи бобо саёҳат қилишни яхши кўрар экан. Ҳеч қимга ҳеч нарса демай истаган шаҳрига кетаверар, ўзбек, тожик, озарбайжон, ҳинд тилларида ҳам ашула айтарди.

Устоз ҳофиз 1891-1892 йилларда чет мамлакатларга сафар қилган. Орадан салкам йилгирма йил ўтгач, 1907-1908 йилларда яна сафарга чиққан.

Ҳожи Абдулазизнинг мазкур сафарлардан кўзлаган мақсади фақатгина зиёрат эмас, балки шу

баҳонада чет мамлакатларга саёҳат қилиш, бошқа халқлар маданияти билан танишиш, лозим бўлган жойларда ўша ерликларда ўзбек ва тожик халқларининг мусиқа санъати ҳақида таассурот уйғотиш бўлган. Ҳақиқатан, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов сафари давомида Эрон, Арабистон, Хиндистон ва Афғонистоннинг машҳур ашулачилари ва созандаларидан кўплаб куй ва қўшиқлар тинглаган, ўзи эса ана шу мамлакатларнинг санъат муҳлисига репертуаридаги энг яхши куй ва ашулардан ижро этиб берган.

Ҳожи Абдулазизнинг кўпгина шогирдлари «Ҳазоир» ва «Ажам тароналари» каби айрим классик куйларни ўз устозлари номи билан боғлайдилар. Уларнинг айтишича, ҳофиз «Ҳазоир» куйини, дастлаб жазoirлик чўлондан эшитган экан. Кенг тепалиқда куй боқиб юрган чўлон, саёҳатчи Абдулазиз илтимосига кўра, ўзи чалаётган куйни найда бир неча марта такрорлаган ва бу куй ҳофизга ёд бўлиб қолган. Саёҳатдан қайтгач эса ҳофиз уни ўзбек тинловчиларига мослаб ишлаган.

Ҳожи Абдулазиз билан суҳбатдош бўлган кишиларнинг кўплари унинг Маккага қилган дастлабки сафари пайтида шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуқрат билан учрашганини таъкидлайди.

Уларнинг хикояларига қараганда, иккала ватандош кемада учрашганлар, худди эски кадрдонлардек роса суҳбатлашган. «Курбон ўлам» кўшиги сўзларини Фуқрат ёзиб берган, ҳофиз унга куй басталаган экан.

Вақти келиб озарбайжонлик дўстлари даврасида ушбу қўшиқни ижро этади ва улар ўрниларидан тубриб, ўзларининг чакман ва бош кийимини кийдириб, “Сиз Озарбайжонни забт этдингиз!” – дейишади.



Жонқуяр санъаткор “Бухоро Шашмақом”ни дутор журлигида айтиб, ушбу санъатга жуда катта янгилик киритиш билан бирга, мақом ижрочилигида мисли қўрилмаган ўзгариш қилди. Дастлабки қадамни халқ озгаки ижоди, классик мусиқа ва “Бухоро Шашмақом”и билан бошлаган ҳофиз бутун ҳаёти давомида мана шу битмас-туганмас мерос билан машғул бўлади.

Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов 1936 йил 9 январда вафот этади.

У киши ўзидан кўплаб шогирдлар, издошлар етиштириб қолдири. Жумладан, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожиев, Ўзбекистон санъат арбоби Темура Маҳмудов, профессор Рифатилло Қосимов, бухоролик мақомдонлар – Ари Бобохонов, Ўлмас Расулов, Толиб Темураов, Раҳматилло Иноят, Шоди Шарипов, Эшпўлат Муртоқов, Обид Темураов, Фазилддин Ғуломов; самарқандлик мақомдон ва мақомхоналар – Журақул Солиев, Хусан Файзуллаев, Ўқтам Тўхтаев, Фозил Очлов, Маъмуржон Очлов, Асатулло Атоуллоев, Иноятилло Раҳмоновлар устоз ҳофизнинг муносиб шогирдлари, издошларидир.

Джинда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ташаббуси билан Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов яшаб ижод этган хонадон уй-музей қилиниб, маданият бошқармасига топшириш қарорини амалга оширишга киришилди.

Бу мақолани ёзишдан асосий мақсад – Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловга тегишли маълумотлар, уй хижозлари қимда бўлса, Маданият бошқармасига тақдим этилишини етказиш.

Аслиддин СИРОЖОВ,  
Халқаро «АНТИКДУН» илмий Академияси профессори

» Маданият ўчоғи

Истеъдод  
нашидаси

Фарғонанинг қоқ марказида жойлашган 26-болалар мусиқа ва санъат мактаби бир неча йиллардан буён фаолият юритиб келмоқда. Ушбу маданият ўчоғида кўплаб жонқуяр устозлар ёш авлодга мусиқа ва санъат сирларини меҳр билан ўргатишади. Билимга чанқоқ ўқувчилар эса республика ва халқаро кўрик-танловларда муносиб ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Кундан-кунга голиблар сони ҳам ортиб бораётгани рост. Бу устозлар меҳнати на-

тижасидир.

Жумладан, Россиянинг Москва шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро вокалистлар кўрик-танловида "Эстрада хонандалиги" бўлими ўқувчиси Хусниддин Тўхтасинов фахри 1-ўринни эгаллади, устози Жамшид Абдулаттоев эса ташаккурнома билан тақдирланди.

Шунингдек, тасвирий санъат йўналиши ўқувчиси Мадинабону Машраповага Москвада ўтказилган халқаро танловда Гран-

при топширилди. Ўқувчиси Дилоромхон Топволдиева ҳам ташаккурнома билан алоҳида эътироф этилди.

Мактабнинг география фани ўқувчилари ҳам халқаро танловда эришган ютуқлари билан барчани хушнуд қилишди. Уларнинг устози Эркин Хасановага ҳам ташаккурнома тақдим қилинди. Хонандалик бўлими ўқувчиси Бахтиёржон Йилиталиев II ўринни эгаллаб, устози Дониёр Отабоевнинг меҳнати самарасини намойиш этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу ютуқларда 26-БМСМга бир неча йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган Ж.Абдулаттоевнинг ҳам ҳиссаси беқиёс. Унинг қувончи сўзларида акс этди:

"Янги йилга муносиб совға бўлган ютуқлар бунданга эътилоллаш, истеъдодли ёшларимиз сафи ҳамisha кентайиб бораверсин".

Фотимахон ҲАСАНБОВА,  
26-БМСМ ўқувчиси

» Шифобахш табиат

## Доривор кийикўт

Ҳозирда ялпиздошлар оиласига мансуб *Ziziphora L.* туркумининг Ўрта Осиёда 20 та, Ўзбекистон флорасида 7 та, Кўхитанг тизмасида эса 6 та тури учрайди. Помиролой кийикўти Кўхитанг тизмаси ҳудудида кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, бўйи 20 – 40 см.гача етадиган ярим бутача шаклига эга. Асосан майда зарра тупроқли, гилли, кумтошли, шағалли, ола жинсли тупроқларда денгиз сатҳидан 1000 – 2700 метр баландликда ўсади. Табиатда якка ҳолда, баъзан тўп-тўп бўлиб учрайди. Май-август ойларида гуллаб, уруглайди. Ўрта Осиёда Зарафшон дарёси ҳавзаларида, Тянь-Шанда, Чу-Илий тоғи, Олатоғда, Норин дарёси атрофларида, Қирғиз Олатоғида, Уғом, Пскем, Чотқол тоғ тизмаларида, шунингдек, Помир Олой тоғ тизимининг Олой, Туркистон, Нурота, Ҳисор, Вахш, Пётр I, Дарвоз, Кўхитангга тарқалган.

"Кийикўти" деб аталишининг асосий сабабларидан бири – тоғ олди, тоғ ва юқори тоғ, яъни яйлов ҳудудларида тарқалган бўлиб, бу кийиклар, бурама шохли ёввойи тоғ эчкилари – "морхўр" ҳамда ёввойи тоғ қўйлари "алқор"ларнинг сеvimли озуқаси эканлигидандир. Илмий таботабда уларнинг дамламаси юрак фаолиятини яхшилашда, артериал қон босимини пайсатиришда ҳамда пешоб ҳайдовчи дори воситаси сифатида кенг қўлланилади.

Ўсимликнинг ер устки қисмлари – пояси, барги ва тўпгуллари таркибиде 2,5 фоизгача эфир мойлари, С, Е, А витаминлари, три-терпен сапонинлар, урсол, олеанол, хлороген, флавоноидлар ва бошқа моддалар борлиги аниқланган. Шунинг эсада тутиш керакки, кийикўтни пала-партиш юлиш унинг шифобахшлик хусусиятига путур етказиши. Маълумки, кийикўт таркибиде мавжуд бўлган доривор омиллар гиёҳнинг айни гуллаш пайтида кўпаяди. Бу июль-август ойларига тўғри келади. Шу пайтда ўриб олиниб, соя-салқин, ҳаво етарли жойда қуритилса, яхши бўлади. Баъзан кийикўтни биллиб-билмай ишлашнинг натижасида айрим кишилар наф ўрнига зарар кўришлари, масалан, гипертония ва тери касалликларида нотўғри қўллаш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.



Ибн Сино ҳомилдор аёл кийикўтдан нотўғри фойдаланса, ҳомиласи тушиши, пешобда қон пайдо бўлиши ҳақида эсла-тиб ўтган. Кийикўтининг дориворлик хусусиятлари қадимдан маҳаллий аҳолига маълум бўлиб, у иштахани очади, таом ҳазм бўлишини тезлаштиради. Айниқса, кийикўти айни гулдан даврида йиғиб олинса, шифобахшлиги тўла сақланади. Томоқ оғриги, меъда фаолияти бузилиши, кўнгил айнаши, юрак санчисининг олдини олишда ёрдам беради. Ичбурғу, колит (йўғон ичак яллиғланишини) хасталиклариде фойдаси катта.

Шунингдек, кийикўти таркибиде А, Е дармондорилари, биологик фаол моддалар, ментол (ялпиз мойидан олинадиган ялтироқ кристалл модда), сапонинлар (сувда кўпикланадиган органик моддалар) мавжуд. Улар туфайли кийикўти юрак фаолиятини яхшилайдди, қон босимини пайсатиради, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, тинчлантиради. Яраларнинг тез битишига ёрдам беради. Бундан ташқари, қорин дам бўлиши, меъда айнаши, тиш оғриги ва чарчоқ, қувватсизликка ҳам малҳамдир. Ўсимлик таркибидеги тимол моддаси гижжаларга ва микробларга қирон келтиради. Саратон ҳужайраларини ҳам йўқотиш хусусиятига эга. Буни олимлар ўз тажрибаларида аниқлашган.

Шаҳринисо ПАРДАЕВА,

"Термиз" давлат музей-қўриқхонаси  
катта илмий ходими

» Фарғона тарихидан

Узоқ ўтмиш  
ҳақиқатлари

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг экспозиция залларини айланар экансиз, узоқ тарихимиздан хабар берувчи ноёб топишмалар диққатингизни тортади. Хусусан, Фарғона шаҳар тарихи бўлимидан шаҳарнинг бунёд этилишига оид кўплаб қизиқарли маълумотлар, экспонатлар ўрин олган.

Шундай экспонатлардан бири генерал М.Д.Скобелевнинг бронзадан ясалган бюстидир. У 1907 йил рус ҳайкалтароши А.Л.Обер томонидан ясалган. Уша йилиёқ Фарғона шаҳар маданият боғига ўрнатилиб, 1919 йилда кўчириб ташланган ва тасоифан шаҳар музейига келиб тушган.

М.Д.Скобелев Чор Россияси генералларидан бири бўлиб, Ўрта Осиёни забт этишда жонбозлик кўрсатган. Аҳолини бўйсундиришда бераҳмлиги билан ажралиб турган генерал 1843 йил Россиянинг Рязань губернияси Спасский қишлоғида туғилган. Скобелевлар сулоласидан кўплаб юқори мартабали ҳарбийлар етишиб чиққан. Бобоси Иван Никитич инфантерия генерали бўлиб, 1812 йилги Ватан урушида қатнашган. Отаси Дмитрий Иванович ҳам Чор армияси генерал-лейтенанти эди.

Михаил Дмитриевич Скобелев 1868 йилда генерал штаби академиясини тамомлаган Ўрта Осиёга юборилади. 1869 йилда эса генерал-майор унвонини олган. Хизмати давомида кўплаб орден, жумладан, 4-ва 3-даражали Авлие Георгий орденлари, олтин қурол билан мукофотланган. Уша даврда бундай мукофотларни олишга ҳамма генераллар ҳам сазовор бўлмаган.

У 1875-76 йилларда Қўқон хонлигидаги қўзғолонни бостиришга бошчилик қилади. 1876 йилда хонлик тугатилгач, унинг ҳарбий губернатори этиб тайинланади. 1877 йилгача Фарғона вилояти маркази – Қўқон шаҳрида, собик хон ўрдамида эди. Лекин Скобелев ва унинг ён-атрофидигиларга Қўқон шаҳрининг об-ҳавоси, айниқса, тез-тез эсиб турадиган шамол, шарқона услубда

қурилган ўрдада яшаш ёқмади. Шу боис у вилоят марказини ҳозирги Фарғона шаҳрини барпо этиб, унга кўчириш ташаббуси билан чиқди. Шаҳар қурилиши режасини ишлаб чиқишда ўз таклифлари билан фалол қатнашди. Илгари шаҳар ўрнида Симтепа, Чилимгар каби қишлоқлар бўлган. Шаҳар барпо этилгач эса 1877 йилдан 1907 йилгача Янги Марғилон, 1907 йилдан 1924 йилгача Скобелев номи билан аталган. 1924 йилда шаҳарга водий номи берилиб, Фарғона деб атала бошланган.

М.Д.Скобелев 1877 йилда рус-турк урушида, 1881-1882 йилларда Хива хонлигини таслим этишда ҳам иштирок этди. Ахалтекин экспедициясида қатнашиб, Қуюктепани эгаллаш жараёнида кўплаб аҳолини қуриб юборди. Мана шундай "хизматлари" эвазига 1881 йилда у инфантерия генерали унвонига сазовор бўлди.

1882 йилда у Европанинг бир қатор шаҳарларида бўлиб, француз сиёсатчилари, серб талабалари



ри ва бошқалар билан учрашди ва ўз нутқида Германия сиёсатини танқид қилди. Бу эса император Александр III нинг норозилигига сабаб бўлади. У тезлик билан Россияга қақириб олинади. 1882 йилнинг 26 июнида Москвадаги "Англия" меҳмонхонасида кечки овқат пайтида тўсатдан соғлиғи ёмонлашиб, вафот этади. Махсус тиббий текшириш ўтказилиб, унга "юрак ва ўпканинг тўхтаб қолиши натижасида ўлим содир бўлган" деб ташхис қўйилади. Айтишларича, у ҳеч қачон бу аз-золаридан шикоят қилмаган экан. Шу тариха сирли равишда ўлим топади. У туғилиб ўсган Спасский қишлоғига дафн қилинган.

1907 йилда Янги Марғилон шаҳри Скобелев номи билан атала бошланди. Маҳаллий халқ тилида бу ном "Искобил" деб талаффуз қилинган. Уша йили шаҳар истироҳат боғидаги мраммар устунга М.Д.Скобелев бюсти ўрнатилади. Бироқ 1919 йилда шаҳар маъмурияти қарори билан бюстини кўчириб ташладилар. 1924 йилга келиб эса шаҳар водий номига монанд – Фарғона деб ўзгарттирилади. Ҳатто 1992 йилдан 1996 йилгача ҳозирги Соҳибқирон Амир Темуру кўчаси Скобелев номи билан аталган.

Мраммар устуннинг қаерга йўқолгани номаълум, бюст эса ҳозирги кунда музейда сақланмоқда. Ташриф буюрувчиларга М.Д.Скобелев ҳаёти ва фаолияти, салбий ва ижобий жиҳатлари, экспонат сифатида сақланаётган бюсти ҳақида мана шундай маълумотлар берилди.

Жаҳонгир ТЎЙБОЛАЕВ,  
Умидахон АҲМЕДОВА,  
Фарғона вилояти тарихи ва  
маданияти давлат музейи  
ҳодимлари

➤ Ешлар фестивали

**“Этироф – 2020” тадбирлари**



2020 йилнинг 20 декабрь куни Бойсун туман маданият бўлимида “Ешлар фестивали” ҳамда 21 декабрь куни “Султон саройи” тантаналар биносида “Ешлар этирофи – 2020” тадбирлари бўлиб ўтди. Мақсад – келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб ҳамда бешта муҳим ташаббус тадбирларини тарғиб этишдан иборат. Ҳозирги кунда ешларимизга муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан алоҳида

этибор қаратилмоқда. Жумладан, 5 та муҳим ташаббуснинг 1-йўналишига кўра, туман маданият бўлими ва мактабларда ташкил этилган тўғрақларимизда кўплаб ешларимиз ўз истеъдод ва қизиқишларини байрам тадбирлари, кўриктанловлар ҳамда фестивалларда намойиш этиб келишмоқда. Тадбирда туман ҳокими А.Ч.Жўраев, унинг Ешлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Д.Ҳафизов, маданият бўлими мудири Х.Бозоров ва бошқа маъсул раҳбарлар иштирок

этишти. Кеча давомида “Шалола” ашула ва рақс халқ ансамбли бадий раҳбари Ю.Хурсандова, “Қуралай” болалар фольклор-этнографик намунали халқ ансамбли мусика раҳбари И.Муродов ҳамда ёш ижодкорлардан Зилола Хайруллаева, Нодирбек Ваҳобов, Авазбек Нейматовлар, ёш раққос ва раққосалар ўз дастурлари билан фаол қатнашиб, барчага кўтаринки қайфият улаштирди.

**Х.БОЗОРОВ, Сурхондарё вилояти Бойсун туман маданият бўлими мудири**

➤ Аждодларимиз

Юртимизда минглаб қадамжолар, зиёратгоҳлар мавжуд. Улардан бири Навоий вилояти, Куйи Зарафшон воҳасида жойлашган Ҳазрати Мавлоно Ориф Деггароний қадамжосидир. Тасаввуф маданияти тарихида ўз ўрнига эга бўлган бу инсонсиз тариқат олами тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, у зоти шариф Куйи Зарафшон воҳасининг етук пири қомилларидан саналган.

# Мавлоно Ориф Деггароний



Тадқиқотларда айтилишича, Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний Навоий вилояти, Кармана тумани, Хазора қишлоғида 1313 йилда дунёга келган. У киши туғилган жой қозонсозлар даҳасида бўлиб, “Дахайи Деггарон” деб аталган. Кейинчалик бу нисбат Мавлоно Ориф номига қўшилиб улуғланган. Деггароний ёшлигидан зукко, ақли, фикри геран инсон бўлиб, зоҳирий билимини эгаллайди. Ботиний илмини ўрганиш мақсадида устози Ҳазрати Саййид Амир Кулолдан сабоқ олади. Тарихдан маълумки, Саййид Амир Кулолнинг бир юз ўн тўрт нафар халифаси бўлиб, улардан энг етуклари Мавлоно Ориф Деггароний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Жамол Осийе, Шайх Шамсулдин Кулол шулар жумласидандир. Абул Муҳсин Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Баҳоуддин Балоғардон” номи рисоласида устозининг: “Саҳобаларим ичидики киши – Мавлоно Ориф Деггароний ва Баҳоуддин Нақшбандга тенг келадигани йўқ” деганлари бежиз эмас эди.

Дарҳақиқат, Деггароний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ўрталаридаги устоз-шогирдлик, мурид ва муридлик бўлган. Хаттоки, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Мавлоно Ориф Деггаронийни ўз устози деб билган. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг: “Етти йил Мавлоно Ориф Деггароний хизматларида бўлдим. Мавлоно Ориф билан бирга мардикорлик қилдик, рабоб ва бошқа иншоотлар қуришда иштирок этдик. Етти йил мен ул зотдан юқорига ўтиб таҳорат қилмадим, ул киши қадамларини босмадим”, дейишларидан улар ўртасидаги самимий устоз-шогирдлик муносабатларидан воқиф бўлиш мумкин. Нақшбанднинг таърифлашича, улар икки бор Хаж сафарига боришиб, бисёр азиз-авлиёлар суҳбатига эришган. “Агар Мавлоно Орифдек кишини ўша ерларда топганимизда эди, ҳаргиз бу ерларга қайтмас эдик”, деган таърифлари Мавлоно Ориф ўз замонасининг улугъ авлиёси, пири қомили эканлигини англатади.

Деггароний оламшумул жаҳоний тариқат яраган улугъ зотдир. Унинг маънавиятини, тасаввуф кадрятларини бугун дунё ахли ўрганмоқда. Жумладан, олмон нақшбандийшунос олими Юрген Паул 1991 йил Берлинда чоп этилган “XV аср ўрта Осиё нақшбандия тариқатининг сиёсий ва ижтимоий аҳамияти” номи йирик илмий асаридан Мавлоно Ориф Деггароний ҳақида қимматли маълумотлар берган. Ҳазрат 1380 йилда вафот этган. У кишидан битта фарзанд қолган бўлиб, та-

рих фанлари доктори, профессор С.Иноятовнинг таъкидлашича, “Худди шу шажаранинг сўнгги вакилларида бири Абу Тохир Хожа Самарқандий Кармандаги Қосим Шайх қабристонига дафн этилган”.

Деггароний ўз фаолияти давомида аҳоли орасида аҳилликни тарғиб қилди, турмушга тинчлик осийишталикни сингдирди. Унинг донишмандона фикрлари туфайли жамиятда, одамларда кўтаринки руҳият пайдо бўлган. Шундай ижтимоий, маънавий фаол муҳит Мавороннахрнинг сиёсий тақдирини ҳал қилиш учун кураш бораётган ўша қаттол, тахликали замон учун жуда зарур эди. Мавлоно Ориф Деггароний таълимоти Ватан озодлиги, мустақиллиги гоъялари билан йўғрилган. У одамларга, хусусан, камбағалларга, дардаманд кишиларга, моддий ва маънавий ёрдам қилишни, лекин бу муруват беътама, ҳолис Аллоҳ йўлида бўлиши кераклигини ўқдириб, турли ҳикमतлар орқали одамларни саҳийликка чақирди. Узи ҳам шахсий даромад ва жамғармаларини ўнлаб ночор одамларга тақсимлаб берган. Ривоят қилишларича, бир йили Зарафшон дарёси тошиб, Деггарон қишлоғига сел келади. Шу вақтда Мавлоно Ориф ўзини селга ташлайди ва “Кучинг етса, мени оқизгил, халққа жабр қилма”, – деб Аллоҳга ёлворади. Сел шу дақиқадаёқ живоланди, ўзанига оқиб кетади! Халқ сел балосидан қутулади...

Яна бир ривоятда келтирилишича, Деггарон масжиди тепалигида ҳар жума Мавлоно Ориф бир оқ туяга миниб, зиёратга отланаркан. Аммо бу оқ туя ҳеч қимнинг кўзига кўринмас экан. Қулларнинг бирида ёш болакай келиб, Мавлоно Орифдан “Бобо, мени ҳам туянгизга миндиригинг” – дейди. Ваҳоланки, туянинг фақат ҳосиятли кишиларгагина кўриниши ул зоти шарифга маълум бўлган. Деггароний болани туяга миндириб, Хаж сафарига отланади. Зиёратда Мавлоно уламолар билан бирга ҳамсуҳбат бўлиб, қайтишда ўйлаб кетган болакайни унутиб қолдиради. Қишлоқ ахли уни ҳуноби ошиб излаётганида болакай Мавлоно Орифнинг ёдига тушиб “Хавотир бўлманг, болакай соғ-омон, кейинги ҳафта мен уни қўларингизга топшираман” – дейди. Айтганидек, Деггаронийнинг тусида келган болакайни зиёратгоҳ ахли соғ-омон сақлаб, кейинги ҳафта ул зотнинг қўлига топширади. Пири қомил ҳам болани ота-

онасига қайтаришдан олдин унга “Оқ туяни кўргангини ҳеч кимга айтма” деб тайинлайди. Қадим қадимдан “Оқ туяни кўрдингми-йўқ” нақли мана шу ривоят орқали танилган...

Узоқ йиллар давомида емирилиб, хароба ҳолга келиб қолган бу қадамжо мустақиллик шарофати билан 2006-2007 йилларда тубдан таъмирланди. Бу ишга ўша даврда вилоят ҳокими бўлиб ишлаган Баҳриддин Рўзиев раҳбарлик қилди. Мажмуа таркибига Мавлоно Ориф ҳазратларининг муборак қабри, ёнидаги чуқурлиги 22-23 метр бўлган қудук, чиллаҳона, музей биноси, қадимий Деггарон масжиди ва масжид имоматининг замонавий биноси кирди. Қадамжо атрофлари қабристондан ажратилиб, тахминан 1000 метр узунлик, 3 метр баландликдаги гиштдан девор билан ўралди. Қабр устига янгидан қабр тошлари ўрнатилди, атрофига сайқалланган мрамор тошлар билан ишлов берилди. Зиёратгоҳа олиб борувчи йўлақларга бетон қопламалар ётқизилди. Чиллаҳона янгидан қурилди. Ёнидаги музей таъмирланди. Йўлақлар атрофига манзарали дарахтлар ва анвойи гуллар экилди. Мажмуага тегишли барча сангтарошлик ишларини ғозгонлик моҳир уста – сангтарош Тохир ҳожи Раҳимов ўз шогирдини билан бирга бажарган. 2016 йилда эса Деггарон масжидининг шарқий ва жанубий томонларини ўраб турувчи асл ҳолидаги пешайвон қайтадан тикланди. Пешайвон устунлари қадимий ҳолида, жуда усталик билан нақшинкор қилиб ишланган. Унинг қурилишини Фарғона вилояти Бувайда туманидан бўлган уста Аббос Нишонов, Уғли Абдушукур, жиғини Муҳриддин ва шогирди Жалолиддинлар билан икки ой ичидан бажардилар.

Шунингдек, бино пойдевори очилиб, тагига бетон қуйилди, масжид деворлари пишқ гишт билан сайқалланди. Пойдевори очилганда шу нарса маълум бўлдики, ахшилаб пиштилган лойдан мустаҳкам қилиб (пахса каби) урилган ва устидан хом гишт терилган экан. Бу ишларни Абдурахим бошчилигидаги ургутлик усталар бажаришти.

Мажмуани обод зиёратгоҳга айлантиришда бутун Хазора қишлоқ ахли хизматлари беқиёс бўлди. Айниқса, Турди бобо Хамроев, Рашид Турсунов, Шавкат Ражабов, Раззоқ Бахромов ва Саъдулло ҳожи Ўсаров ҳамда мажмуани қайта таъмирлаш ишларида Республика маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш идораси ходими Кувонч Рўзиевларнинг хизматлари таҳсинга лойик.

Энг муҳими, қадимий Деггарон масжиди ўз ҳолига қайтадан таъмирланди. Бугунги кунда Мавлоно Ориф Деггароний ёдгорлик мажмуаси обод зиёратгоҳга айлантирилган.

Ушбу саов ишга қўл урганларнинг барчасига Аллоҳ ажру мукофот берсин.

**Дилафрўз МУСТАФОЕВА,**  
Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим бошлиғи

➤ Шеърят бекати



**Ғофир Мирзо шеърӣ Шерали Комилов мусикаси**

*Эй, менинг осмондек бағри кенг халқим,  
Биринг ёқа бўлсанг, биринг енг халқим.  
Қўллари тиллоа, зарра тенг халқим,  
Тондек пувиқор, мағрур, чўнг халқим.*

Нақорат

*Ушбу кун сен топдинг ўзлгинг,  
Ўзлгинг асрагин, ўзбегим.  
Ушбу кун сен топдинг ўзлгинг,  
Ўзлгинг байрам қил, ўзбегим.*

*Ҳавас қилар олам атлас шойингга,  
Кўксингга қўл қўйиб тутган чойингга.  
Саждо қилай қутлуғ қадам-жойингга,  
Бошим эғиб, таъзим этай пойингга.*

Нақорат

*Ушбу кун сен топдинг ўзлгинг,  
Ўзлгинг асрагин, ўзбегим.  
Ушбу кун сен топдинг ўзлгинг,  
Ўзлгинг байрам қил, ўзбегим.*

*Хўрмату эъозла онанг, аёлинг,  
Ғанимлар эғолмас қадду қамолинг,  
Инсонийлик эрур сенинг аъмолинг,  
Халқим ҳеч кўрмайин сенинг заволинг.*

Нақорат

*Ушбу кун сен топдинг ўзлгинг,  
Ўзлгинг асрагин, ўзбегим.  
Ушбу кун сен топдинг ўзлгинг,  
Ўзлгинг байрам қил, ўзбегим.*


➤ “Маданият ва санъат фидокори”

## Кўкрак нишони ўз эгаларига топширилмоқда



Маданият вазирининг 2020 йил 7 декабрдаги 464-сонли буюриғи билан маданият ҳамда санъат соҳаси ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келадиган ҳамюртларимиз “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони билан тақдирланганидан хабарингиз бор. Ҳозирда мукофотлар ўз эгаларига топширилмоқда.

Жумладан, Фарғона вилояти ҳокими ва-зифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров ҳам мазкур кўкрак нишониغا муносиб кўрилган. 6 декабрь куни Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Хайдаров ҳамда вилоятнинг танили санъат соҳаси вакиллари ушбу кўкрак нишони тантанали равишда вилоят раҳбарига топширилди.



» Табиатни асрайлик!

### Уясини тополмаган асарлар



Юртимизнинг хилма-хил меваю сабзавотларга бойлигида асарлар хиссаси ҳам катта. Улар кўп минг йиллардан бери ўсимликларни чанглантириб, озикага бой асал бериш билан бирга табиат мувозанатини бир меъёрга сақлашга-да хизмат қилади. Бироқ сўнгги йилларда асарларнинг ўз инларига қайтмай, йўқолиб қолиш ҳодисалари кузатишмоқда. Бунинг сабаби ўрганилганда куйидагилар аниқланди. "Тарқалиб кетиш" синдромининг бош омилли - озикасининг бир хилиги ҳамда унга тўймаслиги бўлса, яна бири инсонлар

томонидан ҳосилдорликни ошириш учун дала-ларга юқори токсик моддаларнинг ишлатилишидир. Пестицидлар билан ишлов берилган дала майдонларидаги ўсимликлар нектари асарлар им-мун тизимига таъсир этиб, уларнинг ўз уйларига қайтмай, йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Та-сабвуор қилинг, ер юзидagi ўсимликларнинг (мева, сабзавот, ёнғоқ) тўртдан уч қисмини асарлар чанглантиради. Бу жараён амалга ошмаса, ер шаридаги минглаб ўсимлик турларининг йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли ортади. Инсонларнинг қўл кучи

билан ўсимликларни чанглантиришига эса жуда кўп маблағ ва вақт керак бўлади. Бу кетидида АКШ ва Европа давлатларини 2035 йилга келиб асарлар умуман тарқ этиши мумкин. Кўп мамлакатлар олимлари асарларнинг вирусга бардош берадиган - Африка асарларининг янги зотини ҳамда уларга салбий таъсир кўрсатмайдиган пестицидлар яратиш устида тинмай изланишмоқда. **Ф.РЎЗИЕВА, "Термиз" давлат музей-қўриқхонаси ходими**

» Даҳо

# Асрларга татиғулик асарлар

Моцарт номини эшитмаган одам бўлмаса керак. Унинг музика оламига улкан мерос қолдириб кетганидан ҳам кўпчилик хабардор. Бироқ даҳо даражасига етган бастакорнинг ўз қобилияти билан 4 ёшидаёқ атрофдагилар эътиборига тушгани, ижодининг энг гуллаган даврида оламдан ўтгани ва дўсти ёки рашк қурбонига айланганини ҳамма ҳам билвермаса керак.

Газетамизнинг навбатдаги сониди буюк музикачи Моцартнинг ҳаёти, ижоди ва сирли ўлими ҳақидаги қизиқарли маълумотлар билан ўртоқлашамиз.

Вольфганг Амадей Моцарт 1756 йил 27 январда Австриянинг Зальцбург шахрида зиёлилар оила-сида туғилган. Бастакорнинг келажақда машҳур музикачи бўлиши шунчаки бир тасодиф эмасди. Чунки унинг отаси Леопольд Моцарт ҳам санъат ва-кили бўлган. У музикадан сабоқ берувчи ўқитувчи ҳамда ўз даврида сарой черковида скрипкачи ва бастакор бўлиб ишлаган. Онаси Анна Мария Мо-царт (баъзи манбаларда Пертль) ҳам обрўли оила-нинг қизи эди.

Бугунги кунгача сақланиб қолган маълумот-ларга кўра, маэстронинг ота-онаси ўз даврида энг ҳавас қиларли жуфтлик бўлишган. Бироқ бир кам дунё деганларидек, улар жудолик азобини ҳам торттишган. Улар 7 нафар фарзанд кўришса-да, атиги 2 нафаригина тирик қолган: Мария ва Вольфганг.

Маэстро ўзини Вольфганг исми билан қақи-ришларини ёқтирган, бироқ у дунёга фамилияси билан танилди.

Маълумотларда келтирилишича, Моцартнинг биринчи устози отаси бўлган. Кўпдаб шогирд этиш-тирган Леопольд ўғлида ноёб қобилият борлиги-ни 3 ёшлигида пайқаб қолади. Ушандан бошлаб музика илмини кичкина Вольфгангга ҳам ўргата бошлайди. У фарзандининг қобилияти шунчаки

ўткинчи бўлиб қолишини хоҳламасди, шу боис вақти келганида бошқа ишларини ҳам тўхтатиб, ўғлига сабоқ беришга шошилди. Албатта, тар-бия, ўргатилган илм ўз натижасини бера болади. Тез ўтмай булажак даҳо скрипка, пианино ҳамда черков органи каби чолғуларда куй ижро қилишни ўзлаштириб олди.

Тан олиш керак, отасининг сабоқлари ёш гўдакка оғирлик қиларди. Бироқ улкан истеъдод эгаси ўрганишдан тўхтамади ва биринчи арзигу-лик маррага эришди. Вольфганг 4 ёшида ўзининг илк композициясини яратишга муваффақ бўлди.


Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Моцарт бо-лалик чоғларидаёқ Европа саёхатларида юрган. Бу кўп ўтмай унинг одамлар тилига тушишига сабаб бўлган. Шу тариқа бастакор номи секинлик билан абадиётга муҳрланиб борган.

Маэстро болалик чоғларида фақат отаси берган сабоқлар билан чекланиб қолмаган. У саёхатлари давомида турли даражадаги таниқли бастакорлар, музикачилар билан ижодий ҳамкорлик қилган. Ўзидан олдин ўтган композиторлар асарларини тинглаган, ўрганган.

Моцарт ижодида отасидан кейин Иоганн Себас-тьян Бахнинг ўрни катта. Эътибор берилса, унинг кўплаб композициялари Бах ижодига ўхшаш, яъни ҳар иккаласининг асарларида ҳам умумий фикр-лар мавжуд.

Музикадаги муваффақиятини ўз шахсий ҳаётига кўчирмоқчи бўлган маэстро Венада Конс-танция исмли қизни учратади ва у билан турмуш қуради (Баъзи манбаларда Моцарт биринчи Кон-станциянинг опасини севиб қолади, аммо уларнинг ишқий муносабатлари узоққа бормади). Шундан сўнг Вольфганг унинг синглизига уйланади). Бироқ бу сафар ҳам ҳаёт ўз изида кетмади, яъни Вольф-ганг оилали бўлгач молиявий қийинчиликка дуч келди ва бунинг охири кўринмасди. Турмушини яхшилашга уринган бастакор отаси каби саройда ишлаш йўлини қидиради.

Бироқ муаммолар иш топилгандан кейин ҳам қамаймади, аксинча, яна ва яна ортиб боради. Саройдаги босимлар, касалликлар Моцартни борган сари қолдан тойдиради ва у 1791 йил 5 сен-тябрда - атиги 35 ёшида ҳаёт билан видолашади.



Аммо буюк бастакор шу қисқа умри давоми-да 600 дан ортиқ музикаий асарлар яратиб улгу-ради. Уларнинг аксарияти симфония, концерт, опера ва хор музикаларининг энг юқори чўққиси ҳисобланади. Моцарт барча замонларнинг энг ол-динда турадиган классик бастакорлари қаторига қиради. Унинг Фарб музикасига таъсири жуда катта. Жумладан, Людвиг ван Бетховен ўзининг илк асарларини Моцарт соясида яратган.

Музика даҳосининг ўлимидан кейин кўплаб жумбоқлар пайдо бўлди ва хозиргача аниқ бир тўхтама келинмади. Хануз турли тахминлар ай-тилиб, рад қилинади.

Унинг ўлимига касаллик сабаб бўлган деган қараш ҳам тўлиқ исбот топмаган. Агар дардманд бўлса, бу ақалли бирорта асарига таъсир қилиши, яъни яратган музикаларида сезилиши керак эди, деган гумонлар ҳам талайгина. Ҳатто унинг ўлими оиласи, дўстларини ҳам шошириб қўйган.

Урганишлар шунки кўрсатадики, дард куча-йиб бораётганда бастакор ўзининг сўнгги асар-лари "Сеҳрли най" ва "Реквием" устида ишлаган. Улардан "Сеҳрли най"ни тугатиб, саҳнага олиб чиққан, аммо "Реквием"ни охирига етказолма-ган. Афсоналарга кўра, Моцарт ушбу тугалланмай қолган асарига ўз ўлимини яратишни ният қилган экан. Маэстро вафотидан сўнг рафикаси Констан-ция илтимоси билан Моцартнинг шогирди, ёш бастакор Франц Ксавер Зюсмайер "Реквием"ни яқунлайди. Ундан олдин бу ишонч Йозеф Эйблер-га билдирилган, аммо у бу вазифани удаллолмай рад этган.

Моцартнинг ўлими ва дафн қилиниши ҳам аянчли эди. Музика даҳоси дея тан олинган бас-такор пулсизликда, зорикқан ҳолда вафот эта-ди. Манбаларда кайд этилишича, бугун буюк музикачи, бастакор дея таърифланадиган ин-соннинг дафн маросимига атиги бир фунт сарф-ланган экан. Миш-мишларга кўра, кўмилаётган чоғида ҳам марҳумнинг исми тўлиқ айнилма-ган, шунингдек, 1785 йилги Австрия қонунига биноан даҳолар ҳам жамоат қабрига кўмилган.

Оқибатда унинг қаерга кўмилгани хотиралардан ўчган. Турли даврларда буюк бастакор "Моцарт - оч ва юпун даҳо" дея эсланган.

Бенжамин Симкин Моцартга атаб ёзган кито-бида бастакорнинг "Тоуретте" синдромдан азият чекганини башорат қилган. Бироқ бирорта мута-хассис ёки тадқиқотчи бастакорда ҳақиқатан бун-дай синдром борлигини тасдиқламаган.

Кейинги асарларда Моцарт ўлимини унинг яқин дўсти, санъатдаги ҳамкасби Антонио Саль-ери билан боғлашади. Манбаларга кўра, Сальери шухратга ўч инсон бўлган. Шу боис у Моцартга ҳасад қилади ва ичимлигига заҳар солиб қўяди. Уни ичган бастакор оламдан ўтади.

Бу ҳам ишонарли воқеадек туюлади, аммо тўлиқ тасдиғини топмаган. Икки санъат вакили-нинг зиддияти "Амадей" фильмида кўзга ташла-нади. Мазкур фильм 8 маротаба "Оскар" мукофо-вига сазовор бўлган. Бироқ ундаги воқеалар риво-жи тўлиқ реал ҳаётга асосланмаган. Хулоса қилсак, юқоридagi заҳарланиш шунчаки уйдирма бўлиб чиқishi ҳам мумкин. Айтиш керакки, мазкур фильмини кўрган баъзи томошабинлар ундаги жара-ёнларни ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтган деб ўйлашади.

Лекин шунки эсдан чиқармаслик керакки, "Амадей" бадийий фильм ҳисобланади. Тарихий фактларга қараганда, Сальери Моцарт-дан юқориқоқ лавозимда ишлаган. Улар ўртасида ҳеч қандай душманлик қайфияти бўлмаган ва бун-га асос ҳам йўқ эди.

Яна бир тахминга кўра, ўша даврларда ички қон кетиши кўп учрагани учун маэстро ўлимига шу ҳам сабаб қилиб кўрсатилган. Бошқа билари-да эса Моцарт дори қабул қилиш чоғида тасоди-ф заҳарланиб қолган деган қараш ҳам мавжуд.

Бироқ бу тахминларнинг ҳаммаси нисбийли-гича қолган. Аниқ бир тўхтама йўқлиги учун, қим-дир афсонани, қимдир тарихий қораламаларни ҳақиқат деб ўйлайди.

Бугун адолатсизлик, замона қусурлари би-лан ҳам руҳан, ҳам жисмонан курашиб яшаган даҳонинг қисқанига умридан бир саҳифани сиз билан бўлишдик. Аслида Моцарт 35 йил яша-ган бўлса-да, ўзидан асрларга татиғулик асарлар қолдирди ва шу тариқа барҳаёт сиймолар саф-дан жой олди.

Моцарт ўлими олдиндан шундай сўнгги сўзларни айтган: "Улим таъми менинг лабларимда... Мен бу дунёда бўлмаган нарсани ҳис қилмаман".

Оламгир АБДИЕВ тайёрлади.



**МАДАНИЯТ** ОВУНА ИНДЕКСИ: 285

Газета Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Нашр учун маъсул: Ш.Исроилова  
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева  
Навбатчи: Н. Содиқова  
Адади - 6273 Буюртма - Г - 117  
Сотувда келишилган нарҳда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 23.00  
Топширилди - 22.30  
1 2 3 4 5 6

МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир Дилбоҳор Худойбердиева  
Таҳрират манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чоп этилади.

Таҳриратга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳрират фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.